

ХИДИРОВА Гўзал Рустам қизи
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик
институтини таянч докторанти
gozalxidirova4@gmail.com

ХИДИРОВ Эркин Иргашевич
Тошкент давлат транспорт
университетини ассистенти

XVI АСР I-ЯРМИГА ОИД МАНБАЛАРДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИНИНГ ЎРИТИЛИШИ

ТОПОНИМЫ ГОРОДА ТАШКЕНТА И ОБЛАСТИ В ИСТОЧНИКАХ, ОТНОСЯЩИХСЯ К I-Й ПОЛОВИНЕ XVI В

TOPONYMS OF TASHKENT CITY AND REGION IN SOURCES RELATED TO THE I-ST HALF OF THE XVI CENTURY

Аннотация: Тошкент асрлар давомида Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ривожланишида муҳим ўрин тутган ҳамда ўзининг қадим тарихига эга шаҳар ҳисобланади. Унинг қадимийлигини аниқлашда топонимларнинг ҳам ўрни бекиёсдир. Олимлар биргина Чоқ топоними Тошкент шаҳрининг ёшени икки минг йилдан ошиқ дейишга асос бўлишини таъкидлашган. Бунда ёзма манбаларда қайд этилган жой номларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: Шайбонийхон, XVI аср I-ярми манбалари, топонимлар, Тошканд, Шош, Шохрухия, Оҳангарон, Пискант.

Аннотация: На протяжении веков Ташкент играл важную роль в социально-экономическом, культурном и духовном развитии народов Средней Азии и имеет давнюю историю. Неоценима и роль топонимов в определении его древности. Ученые утверждают, что только с топонимом Чач можно обосновать, что городу Ташкента более 2000 лет. В этом случае важно изучить топонимы, упоминаемые в письменных источниках.

Ключевые слова: Шайбанихан, источники I половины XVI века, топонимы, Ташкент, Шах, Шахрухия, Ахангаран, Пискант.

Annotation: For centuries, Tashkent has played an important role in the socio-economic, cultural and spiritual development of the peoples of Central Asia and has a long history. The role of toponyms in determining its antiquity is also invaluable. Scientists argue that only with the toponym Chach it is possible to substantiate that the city of Tashkent is more than 2000 years old. In this case, it is important to study the place names mentioned in the written sources.

Keywords: Shaibanikhan, sources of the 1 st half of the 16 th century, toponyms, Tashkent, Shash, Shahrukhia, Akhangaran, Piskant.

КИРИШ

Тошкент тарихини комплекс ўрганишда топонимик тадқиқотларнинг ўрни бекиёсдир. Уларда хитой тилидаги ва илк ўрта асрлар даври манбалари асосида Тошкент топонимининг келиб чиқиши ва этимологиясига доир илмий қарашлар устунлик қилади. Лекин, XVI асрга келганда Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудида қандай топонимлар истеъмолда бўлган? Улар манбаларда қанчалик акс этганлиги ҳақидаги маълумотлар кам.

Юқоридаги муаммони ўрганишда бирламчи манбалар муҳим аҳамият касб этади. XVI аср I-ярмига оид ёзма манбаларни мазмун жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

а) тарихий-географик асарлар: номаълум муаллифнинг “Таворихи гузида, нусратнома”, Ғиёсиддин Хондамирнинг “Равзат ус-сафо”, “Ҳабиб ус-сияр”, Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома”, Рузбехон Исфажонийнинг “Меҳмонномаи Бухоро”, Масъуд ибн Усмон Қўхистоний “Тарихи Абулхайрхоний”, Муҳаммад Хайдарнинг “Тарихи Рашидий”, Абдулло Насруллоҳийнинг “Зубдат ул-асар”;

б) бадиий-тарихий асарлар: Мулла Шодийнинг “Фатҳнома”, Муҳаммад Солихнинг “Шайбонийнома” асарлари;

в) биографик ва мемуар асарлар: Зайниддин Восифийнинг “Бадое ул-вақоъ”, Заҳириддин Бобурнинг “Бобурнома” асарлари;

АСОСИЙ ҚИСМ

Тошкент тарихи, археологияси, архитектураси маҳаллий ва рус олимларидан Н.С.Содиқова, Ю.Ф.Буряков [15], А.М.Беленицкий, И.Б.Бентович, О.Г.Большаков [2: 195-201]лар, Д.А.Алимова, М.И.Филанович

[1], М.Е.Массон [9: 105-132] ларнинг илмий тадқиқотларида намоён бўлса, топонимияси К.Ш.Шаниязов [17: 34-40], А.Муҳаммадкаримов [13], Ҳ.Ҳасанов [19], С.Қораев [18], О.Бўриев [5], Х.Бўриева [6] каби олимлар илмий ишларида акс этган.

Тошкент шаҳри ва вилоятининг ўрта асрлардаги тарихи ёзма ёдгорликларда маълум даражада ўз аксини топган ва XVI аср I-ярми манбаларидан Заҳириддин Бобурнинг “Бобурнома”, Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”, Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома”, Рузбехон Исфажонийнинг “Мехмонномаи Бухоро” каби асарлари шулар жумласидандир. Мазкур манбаларда Тошкент шаҳри сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий тарихига оид маълумотлар билан бирга, Тошкент шаҳри ва вилояти жой номлари ҳам эслатилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида Тошкент жой номи – *Тошканд*, *Шош*, *Чоч* номлари билан қайд қилинган: “Ул фурсатта Тошканд вилояти Умаршайх мирзо тасарруфида эрдиким, китобларда Шош битирлар, баъзи Чоч битирларким, “камони чочий” андин ибораттур” [3: 6а].

“Бобурнома”даги 1502-1503 йиллар воқеалари тавсифида жами 21 марта *Тошканд* жой номи зикр этилади. “Бобурнома”да Тошканд вилояти ва унинг таркибига кирувчи *Шоҳрухия* (*Фанокат*, *Шош*, *Банокат*), *Бешкент* (*Бискент*), *Лаклаконт*, *Оҳангарон*, *Сомсийрак*, *Яғмо*, *Фаркат*, *Кандирлик добони* каби жой номлари, ушбу ҳудуддан оқиб ўтувчи *Чир суйи* (*Чирчик*), *Ҳўжанд суйи* (*Сайхун дарёси*) каби гидронимлар қайд этилган.

Шоҳрухия. Асарда Самарқанд тавсифига оид маълумотлар баёнида Тошкентнинг Шош, Шоҳрухиянинг Банокат деб аталиши ҳақида қуйидаги маълумотларни ўқишимиз мумкин: “... шимоли Тошканд ва Шоҳрухияким, Шош ва Банокат битирлар” [3: 45а]. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида ёзишича, соҳибкирон Амир Темур ўз вақтида Чингизхон лашкари томонидан бутунлай хароб қилинган Фанокант (Банокат) ўрнида янги шаҳар барпо этишини буюради. Унинг қўл остидагилар мазкур фармонга мувофиқ янги шаҳар қуриб,

уни мустаҳкам қўрғон билан ўрайдилар ва ўша атрофда яшовчи аҳолини у ерга қўчирадилар. Амир Темур мазкур шаҳарни ўғли Мирзо Шоҳрухга атагани сабабли, у “Шоҳрухия” деган ном билан шуҳрат топади [5]. 1502 йилда Шоҳрухия Шайбонийхон томонидан эгалланди ва ўзбек хонларининг Тошкент мулки тасарруфига кирган. Унда Шоҳрухия аҳамияти бўйича иккинчи марказ шаҳар ҳисобланган ва Тошкент хонлари ворисларининг қароргоҳи бўлган [4].

Оҳангарон. Асарда Оҳангарон жой номи ва шу номдаги дарё водийсининг номи шаклида учрайди: “Хон ҳам черик тортиб, Оҳангарон жулгаси била келиб” [3: 546], “Оҳангарон кентларида уч-тўрт кун таваккуф қилдук” [3: 986].

Сомсийрак. Асардан маълум бўладики, Оҳангарон таркибидаги кент номи: “Биз келиб Оҳангарон кентларидин Сомсийрак деган кентга туштук” [3: 986].

Пискент жой номи “Бобурнома” асари қўлёзма нусхаларида Бешкент, Бискент шаклларида учрайди. “Ушбу қиш ўртасида Шайбонийхон Ҳўжанд суйини муз била кечиб, Шоҳрухия ва Пискент навоҳисини чопти” [3: 98а].

Яғмо жой номи 1502-1503 йил воқеалари баёнида Тошкент билан Сайрам ўртасидаги кент сифатида эслатилади: “Тошканд била Сайрамнинг орасида Яғмо деган кент ва яна бир неча кентгиналар бор. Иброҳим ота ва Исҳоқ отанинг қабри андадур” [3: 102а]. Яғмо туркий қабилалардан бирининг номи бўлиб, XI аср I ярмида қорахонийлар қўшини таркибида Мовароуннаҳрга келиб жойлашган ва кейинчалик ерли халқлар билан аралашиб, ўз этник номларини унутганлар. С.Қораев ҳам бу маълумотларни тасдиқлайди. Унга кўра, “Тошкент вилояти топонимиясининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу регионда этнотопонимлар анчагина учрайди. Ўлкада яшаган этник ғуруҳларнинг аксари қисми вақт ўтиши билан турғунлашиб, этник номларини унутганлар, лекин уларнинг номлари жой номлари (этнотопонимлар) шаклида бизгача сақланиб қолган” [18: 136]. Шундан келиб чиқиб, Бобур тилга олган Яғмо жой номи этник номдан келиб чиққан бўлиши мумкин. Ундаги Иброҳим ота қабри Тошкент ҳудудидаги

меъморий ёдгорлик хисобланиб, ривоятларга кўра, Хожа Аҳмад Яссавийнинг отасига тегишли бўлган. XV – XVII асрларда қабр устига мақбара бунёд қилинган.

Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асарида Тошкент жой номи тарихий воқеалар баёнида *Тошканд, Тошкант, Тошкент, Шош* шаклларида учрайди [11]. Асарда Шайбонийхоннинг Мўғул хонлари устига юриши билан боғлиқ воқеалар баёнида Тошканд, Шаҳрухиянинг мўғуллар қўл остида бўлганлиги, Шайбонийхоннинг Султон Маҳмудхон бобида кенгаш қилгани ва қўрғонни таслим қилиш ҳақида хабар юборгани хусусида маълумотлар қайд этилган.

*Анго бисёр мўғул жам бўлди,
Тошканд ул мўғулидин тўлди [11: 241].*

Тошкент 908/1502-1503 йилда Шайбонийхон томонидан эгалланганидан сўнг, уни бошқаришни Абулхайрхоннинг Робия Султонбегимдан туғилган фарзанди Суюнчхожа Султонга беради. “Шайбонийнома”да бу ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилади:

*Тошканд элини хони даврон,
Қилди инъоми Севинчик Султон [11: 255].*

Асарда Тошкент топоними билан бирга *Шаҳрухия* жой номи ҳам тилга олинади. Шаҳрухия жой номи билан боғлиқ воқеалар баёнида Шайбонийхоннинг бу ҳудудга икки кун чопқин қилгани, кўп бойлик қўлга киритилгани ҳақида маълумотлар мавжуд [11: 139].

XVI аср тарихнависларидан **Қамолддин Биноий**нинг “**Шайбонийнома**” асарида тарихий воқеалар баёнида бир неча маротаба *Тошкент, Тошкент вилояти, Тошкент йўли, Шоҳрухия, Чир дарёси* каби жой номлари тилга олинади [8: 91-127].

Марказий Осиёнинг XIV-XVI асрлар 1-ярмига оид яна бир тарихий асар бўлмиш **Мирзо Муҳаммад Ҳайдар**нинг “**Тарихи Рашидий**” асари ҳам жой номлари тарихи бўйича муҳим манбадир. Унда Тошкент жой номи Амир Темур даври воқеалари баёнидан бошлаб тилга олинади ва асарда *Тошканд, Тошкант, Шош, Чоч* шаклларда қайд этилган [12]. Шош жой номи Чингизхон ҳикояти

баёнида ишлатилган бўлса, кейинги даврлар тарихи нақлида Тошканд шаклида берилган.

Асарда Тошканд топоними билан боғлиқ маълумотлар баёнида муҳим тарихий воқеалар, географик маълумотлар баён этилади. Жумладан, Мўғулистонга оид маълумотларда шаҳарлар орасидаги масофалар кўрсатилган: “Тошканддин Андижон ўн кунлик йўлдур” [12: 2976].

Асарда воқеалар баёнида Тошкентнинг вайрон бўлиши, халқининг кўп синовларни бошидан ўтказганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади: “Замоннинг тажрибасида мужарраб бўлиб бу фалаки кажрафторликни ўтказган Тошканд вайрон бўлгондин тортиб то тарихга тўққуз юз саккиз хўк йили то бу тарихгачаки тўққуз юз йигирма (1514) эрдик, бу ўн икки йилда бу мардумкуш рўзгорнинг улуғлуқини давлати нопойдор ва меҳнати инқилобни кўриб жангу жадалнинг қондасини ўрганган эрдилар” [12: 265а]. Бу ерда Тошкентнинг вайрон бўлиши тарих 908 (1502-1503) йилда деганда Шайбонихоннинг Тошкентни олиши назарда тутилган.

1512-1513 йил воқеалари баёнида асар муаллифи Ҳайдар Мирзо Тошкентда бўлганини зикр қилади: “Қосимхоннинг хабари пайдо бўлди. Ул келишдин илгари хон бориб Тошканднинг *Оҳангарон* деган мавзеида чопдилар. Ман бандаи соҳиби китоб ул чопгон ерда ҳозир эрдим” [12: 250б]. Жўжи наслидин бўлган Қосимхон шайбоний султонлар билан доимий равишда Сирдарё бўйи шаҳарлари учун жанг олиб борган. Асардан маълум бўладики, шундай жанглардан бири Тошкент учун бўлган. “Ондин пайдар-пай хабар еттики, Қосимхон Тошкандга Суюнчикхоннинг тўфасига келибдур деб” [12: 251а]. Воқеалар давомида *Кандирлик довони* ва топографияси ҳам баён қилинади: “Кандирлик давонига еттики, Фарғона ва Тошканднинг ароликидадур, ондин Қосимхоннинг ёнғон хабари келди” [12: 251а]. Бу маълумотларни “Бобурнома”даги қуйидаги сатрлар ҳам тасдиқлайди: “Бир-икки кундин сўнг Кандирлик добони била Аҳси ва Андижон сари азимат қилдим” [3: 32а].

“Тарихи Рашидий” асарида Тошкент вилоятига оид яна қуйидаги жой номлари қайд этилган: *Уштур шаҳри, Оҳангарон, Пискант (Пискент), Фанокант (Банокент),*

Чиноз (Чинос), Кандирлик давони, Тошканд вилоятининг кент саҳролари, Тошкантининг саҳроси, Дарёи Хўжанд (Хўжанд суйи). Асарнинг Чингизхон ҳикояси баёнида Шош, Фанокат, Амир Темур даври воқеалари баёнида Чиноз, Нажми Соний бошлиқ сафавий қўшинлари билан бўлган жанг воқеалари баёнида Пискант жой номлари тилга олинади.

Ҳижрий 892 (1486-1487) йили Самарқанд ҳукмдори мирзо Султон Аҳмад билан Тошкентни бошқариб турган Султон Маҳмудхон ўртасида юз берган ҳарбий тўқнашувда Тошкент шаҳри яқинида Уштур аҳоли маскани мустаҳкам кўрғон сифатида эслатилади” [12: 143].

Форсийзабон тарихчи **Рузбехон Исфажоний**нинг “**Меҳмонномаи Бухоро**” асарида *Тошкент* (تاشكند) жой номи пойтахт шаҳар ва унинг агрофидаги ерлар *Шош* (شاش) вилояти сифатида жой номлари тилга олинади. “Пойтахт Тошкент шаҳри ва унга бўйсунувчи Шош вилояти деб аталадиган ерларни бошқариш олий ҳазратлари Кучум Султонга юклатилди” [16: 144].

Яна бир бу давр муаллифларидан **Зайниддин Восифий** ўзининг суронли ҳаёти давомида қўп шаҳарларда бўлади ва 1525 йилдан то умрининг охиригача Тошкентда қолади. Унинг мемуар услубдаги “**Бадоеъ ул-вақоеъ**” асарининг “Ҳазрати Убайдуллахоннинг вазири таърифида” қисмида Тошкентнинг ҳавоси, сув тўла ҳовузлари, боғ-у роғлари, дарахтлари, латиф мевалари насрий ва назмий шаклда васф этилган. Маълумотлар баёнида *Тошканд, Фаркат, Нимдонак, Кайковус чорбоғи, Парак дарёси, Калас дарёси* каби топоним ва гидронимлар тилга олинади [7].

Фаркат асарда Тошкентга яқин бир қасаба сифатида тилга олинади. “Тошкентга яқинлашганимизда, бу диёрга тушмоқни маслаҳат кўрмай, Фаркат қасабасига йўналдик. У ғоят хушхаво ва дилкаш жойдирки, Боғи Эрам ундан ҳижолат тортиб, юзига яшириниш пардасини олган эди” [7: 59]. Фаркат топоними илк ўрта аср манбаларида ҳам тилга олинган бўлиб, ҳозирги Паркент, Тошкент вилоятидаги туман ва шаҳардир. “Бобурнома”да ҳам худди шу ном билан Тошкент вилоятидаги кент сифатида қайд этилган [3: 87]. *Нимдонак* жой номи XVI асрлар манбаларидан биргина “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида тилга олиниб,

Фаркатдан бир фарсах узоқликдаги қишлоқ сифатида эслатилган. “Фаркатдан бир фарсахлик ерда бўлган Нимдонак қишлоғига етгач, бу фақир каттиқ оғриб қолдим” [7: 60]. Нимдонак Паркент туманига қарашли ҳозирги Номданак қишлоғининг номланишидир.

Шунингдек, асарда Парак гидроними қайд этилган бўлиб, у Тошкент вилояти ҳудудидаги Чирчиқ дарёсининг ўрта асрлардаги номларидан биридир. Араб географлари асарларида Наҳри Турк, Наҳри Туркистон, Оби Турк номи билан тилга олинган. “Бобурнома”, Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома” асарларида Чир суйи, Оби-и Чир шаклларида келган.

*Топ-тоза зилолдек Парак дарёси,
Салсабил наҳрига монанд қиёси.
Остидаги тошлар дурдан қолишмас,
Дурлар бозорида нарҳи ҳеч тушмас [7: 63].*

А. Муҳаммаджонов, “Оби Парак” асида сўғдийча бўлиб, “тоғдан оқиб тушадиган дарё”, “тез оқар дарё” деган маъноларни англатишини ва ҳақиқатан ҳам, Чирчиқ дарёси юқори окимининг нишоби катта бўлгани учун у тоғдан шаршарадек катта тезлик билан оқишини ва ўзи билан беҳисоб оқизинди жинслар олиб келишини таъкидлайди [14: 61].

Топоним-ларнинг манбаларда келган шакллари	Топоним-нинг ҳозирги шакли	Аниқланган манбалар
Тошканд, Тошкант, Шош, Чоч	Тошкент	“Бобурнома”да Тошканд, Шош, Чоч; Муҳаммад Солих “Шайбонийнома”сида Тошканд, Тошкант, Тошкент, Шош; “Тарихи Рашидий”да Тошканд, Тошкант, Шош, Чоч; “Меҳмонномаи Бухоро”да Тошканд, Шош; “Бадоеъ ул-вақоеъ”да Тошканд;

Тошканд вилояти	Тошкент вилояти	Камолиддин Биноий “Шайбонийнома”си
Тошканд йўли	Тошкент йўли	Камолиддин Биноий “Шайбонийнома”си
Тошканд саҳроси		“Тарихи Рашидий”
Шохрухия, Фанокат, Банокат	Тошкент вилоятининг Окқўрғон тумани худудида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган, XVI аср бошларида Шайбонийлар мулкининг йирик марказларидан бири бўлган.	“Бобурнома”да Шохрухия (Фанокат, Шош, Банокат); Муҳаммад Солиҳ “Шайбонийнома”сида Шаҳрухия; Камолиддин Биноий “Шайбонийнома”сида Шохрухия; “Тарихи Рашидий”да Фанокант (Банокант)
Бешкент, Бискент, Пискант	Пискент	“Бобурнома”да Бешкент (Бискент); “Тарихи Рашидий”да Пискант (Пискент);
Лаклаконт	Асарда чорбоғ номи сифатида эслатилган, ҳозирда маълум эмас.	“Бобурнома”
Оҳангарон	Тошкент вилоятининг жанубий қисми, ҳозирги Оҳангарон тумани	“Бобурнома”; “Тарихи Рашидий”
Сомсийрак	ҳоз. Самсарак қишлоғи. Паркент туманида жойлашган.	“Бобурнома”
Яғмо	Тошкент билан Сайрам ўртасидаги кент сифатида эслатилган этнотопоним.	“Бобурнома”
Фаркат	ҳозирда Паркент тумани ва шаҳри	“Бобурнома”; “Бадоеъ ул-вақоеъ”

Кандирлик (добон)	ҳозир ҳам Кандирлик довони. Қурама тизмасидаги довон бўлиб, Фарғона водийси билан Тошкент вилояти ўртасида жойлашган.	“Бобурнома”; “Тарихи Рашидий”
Нимдонак	ҳозирги Номданақ –Тошкент вилоятидаги қишлоқ номи	“Бадоеъ ул-вақоеъ”
Кайковус (чорбоғи)	Кайковус – Тошкент шаҳридаги ариқ номи	“Бадоеъ ул-вақоеъ”
Уштур		“Тарихи Рашидий”
Чинос	ҳозирги Чиноз тумани	“Тарихи Рашидий”
Чир суйи, Оби-и Чир, Парак дарёси	ҳозирги Чирчиқ дарёси	“Бобурнома”да Чир суйи; Камолиддин Биноий “Шайбонийнома”сида Оби-и Чир; “Бадоеъ ул-вақоеъ”да Парак дарёси
Хўжанд суйи, Дарёи Хўжанд	ҳозирги Сирдарё дарёси	“Бобурнома”да Хўжанд суйи; “Тарихи Рашидий”да Дарёи Хўжанд
Калас дарёси	ҳозирда Келес дарёси. Сирдарёнинг ўнг irmoғи, Қозғистоннинг Туркистон вилояти ва Ўзбекистоннинг Тошкент вилояти худудидан ўтган	“Бадоеъ ул-вақоеъ”

ХУЛОСА

Юқорида номлари зикр қилинган манбалар асосида XVI аср I-ярмида Тошкент ва унинг тасарруфига кирган жой номлари

маълум бўлди. Улар ёзма манбаларда турли ўринларда тарихий воқеалар баёнида тилга олиниб, баъзан топографияси, номланиш тарихи, ўзига хос хусусиятларига оид муҳим маълумотлар берилган. Қадимдан Чоч, Шош, Бинкат номлари билан аталиб келинган Тошкент манбаларга кўра, XVI асрга келиб ҳозирги номланишига анча яқин, Тошканд номи билан қайд этилганлигини кўриш мумкин. Шуниндек, Тошкент вилояти ҳудудига оид баъзи жой номлари, Оҳангарон, Пискент, Чиноз топонимлари деярли ўзгаришсиз етиб келган бўлса, баъзи жой номлари морфологик ўзгаришга учраган ёки муомаладан чиқиб кетган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Алимова Д.А. Тошкент тарихи (қадим даврлардан бугунги кунгача). – Тошкент, 2009.
2. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – Ленинград: Наука, 1973.
3. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. // Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов // Масъул муҳаррир: Ваҳоб Раҳмонов. // – Тошкент: Шарк, 2002. – 336 б.
4. Буряков Ю.Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 30.
5. Бўриев О. XIV-XV асрлар манбаларида Тошкент шаҳри ва вилояти ҳақида маълумотлар // Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет. Мат. меж. науч. конф. посв. 2200-летнему юбилею города Ташкента. – Тошкент: Фан, 2009.
6. Бўриева Х. Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси (XIX аср охири XX аср бошлари). – Тошкент, 2009.
7. Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеъул вақоеъ. // Форсийдан Наим Норкулов таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
8. Ибрагимов С.К. Материалы по истории казахских ханств XV – XVIII веков (Извлечения из персидских и тюркских сочинений), – Алма-Ата, 1969.
9. Массон М.Е. Прошлое Ташкента (Археолого-топографический и историко-архитектурный очерк) / Известия Академии Наук УзССР. №2. – Ташкент, 1954.
10. Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р. П. Джалиловой, Л. М. Епифановой. примечания и указатели Р. П. Джалиловой, Л. М. Епифановой. – Ташкент: Фан, 1996.
11. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома // Нашрга тайёрловчи: Насрулло Даврон // Масъул муҳаррир: А. Ҳайитметов. – Тошкент, 1961. – 359 б.
12. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Аёзий. Тарихий Рашидий // Нашрга тайёрловчи, сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи О.Ё.Жалилов; масъул муҳаррир С.Ҳасанов; – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 704 б.
13. Муҳаммадкаримов А. Тошкент бўйлаб топонимик саёҳат. – Тошкент: Академия, 2000.
14. Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент (тарихий ва археологик лавҳалар). – Тошкент: Фан, 1988. – 61 б.
15. Содиқова Н.С., Буряков Ю.Ф. Қадимги ва ҳозирги Тошкент. – Тошкент: Фан, 1965.
16. Фазлаллаҳ ибн Рўзбихан Исфаҳани. Михман-наме-йи Бухара (Записки Бухарского гостя). Перев., предис. и примечания Р.П. Джалиловой. Под редакцией А.К. Арендса. – Москва 1976.
17. Шаниязов К.Ш. Об исторической топонимике Ташкента / Общественные науки в Узбекистане. №7. – Ташкент, 1982. – С. 34-40.
18. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – 240 б.
19. Ҳасанов Ҳ. Тошкент бўйлаб саёҳат / Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965. – 37-44 б.